

## “Эзгу янгиланишлар мамлакати”: Янги Ўзбекистоннинг уриб турган юрагига бахшида асар

*Бугунги Ўзбекистон, чин манода илгор таклифлар, инновациялар ва замонавий ёндашувлар мамлакатидир. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида рўёбга чиқарилаётган ислохотлар метин пойдевор устига қурилаётгани билан аҳамият касб этмоқда.*

Ўзбекистонда сўнгги олти йилда кечаётган жараёнларни аниқ ва тўлиқ кўз олдимизга келтирсак, келажакни олдиндан кўра билиш қобилиятига эга Юртбошининг пухта ўйланган сиёсий тамойиллари самарасига гувоҳ бўлаверамиз. Зеро, Президентимизнинг барча жабҳалардаги ташаббуслари глобал миқёсдаги ижобий жараёнлардир.

“Эзгу янгиланишлар мамлакати”... Таниқли шоир, журналист, моҳир муҳаррир, “Шухрат” медали, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвони, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Ўткир Раҳматнинг ушбу номдаги китоби сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилган тарихий ўзгаришлар, халқчил ислохотларнинг самаралари акс эттирилган таҳлилий мақолаларни ўзида жамлаган. Бу асарнинг юрт ёшларини Ватанда содиқлик руҳида тарбиялашда аҳамияти катта бўлади, дейишимиз мумкин. Китобдаги ҳар бир мақола, таъбир жоиз бўлса таҳлилий, аниқ далилларга асосланган, конструктив, чуқур мушоҳада билан ёритилган.

Биринчи Президентимиз ҳаётдан кўз юмган даврларни ёдга олайлик... Дунё ҳамжамияти, хориж давлатлари, таҳлилчи ва экспертлар, журналист ҳамда сиёсатшуносларнинг бутун эътибори Ўзбекистонга қаратилди. Ана шундай мураккаб вазиятда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклиф этган ислохотларда ҳал қилувчи мезонлар билан бирга таянч нуқталар белгилаб берилди. Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати, ҳар томонлама муносабатларни ривожлантиришга бўлган интилиши дунё ҳамжамияти эътиборини тортмай қолмади. Улкан иқтисодий салоҳиятга эга муҳим транспорт йўлақларининг қоқ марказида жойлашган мамлакатимизнинг минтақага, бутун дунёга таклиф этаётган муносиб ташаббуслари доимо қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунлариданок “Инсон кадрлари учун” деган

эзгу ғоя асосида мамлакат ҳаётининг ҳар бир жабҳасини тубдан янгилашга киришди. Китобда ана шу янгиланиш ва ўзгаришлар, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга халқаро эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар, таҳлилчилар, журналистларнинг муносабатлари, баҳоси ва эътирофи ҳам ўз аксини топган.

Халқимиз ҳаётига назар солсак, ўтган йилларда Президентимизнинг сайловолди дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар, вилоятлардаги учрашувлар чоғида билдирилган амалий таклифлар бирма-бир рўёбга чиқаётганини кўришимиз мумкин. Шу боис куни кеча - жорий йилнинг **9 июль** куни мамлакатимизда очиқлик ва ошкоралик шароитида миллий қонунчилик талаблари, демократик тамойиллар ва халқаро меъёрларга мос ҳолда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимиз эркин хоҳиш-иродаси ва қалб амри билан такрор Шавкат Мирзиёевга овоз берди. Президентимиз муддатидан илгари Президент сайловида 87,05 % овоз билан ишончли ғалаба қозонди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Унда Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қилди.

Маросимда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади.

– Бугун елкамга қандай улуғвор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман.

Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўпмиллатли, мард ва донишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан, – деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимиздаги мана шундай тарихий яна бир эврилиш пайтида нашр этилган илмий-оммабоп нашр - “Эзгу янгиланишлар

мамлакати” китоби Президент Шавкат Мирзиёевнинг муҳим, эътиборли ташаббуслари, сайъ-ҳаракатларини қадамма-қадам очиб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Тўпламда 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, йил номи билан боғлиқ Давлат дастурлари, қатор фармон ва қарорлар, 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти, мақсад-муддаолари, ҳаётий аҳамияти чуқур таҳлил этилган. Тўпламдаги мақолаларни ўқиб, янги давр нафаси, Ўзбекистоннинг уриб турган юрагини ҳис қилиш мумкин.

Китобда Президентимизнинг бошқа давлатлар, авваламбор кўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни тубдан яхшилаш йўлини тутганлиги, босқичма-босқич ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиб, иқтисодиётимиз қудратини янада оширгани, ижтимоий ва гуманитар соҳаларда янги уфқлар очиб бергани далиллар билан ҳаётий ёритиб берилган. Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатни либераллаштириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини тартибга солиш, диний эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган чуқур ислохотлари, мамлакатни амалда эркин бозор сари ҳаракатлантириш, ташқи савдо ҳамда валюта сиёсатини либераллаштиришга йўналтирилган ўта муҳим қарорлар қабул қилгани республиканинг хорижлик сармоядорлар учун жозибадорлигини ошиб бораётгани - буларнинг барчаси кенг шарҳланган.

Китобда жамланган “Халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими”, “Тараққиётнинг янги уфқлари”, “Тараққиётнинг “ўзбек модели”: юксалиш учун мустаҳкам пойдевор”, “Бунёдкорлик сари”, “Эзгу янгиланишлар мамлакати” каби қатор долзарб мавзулардаги мақолаларни ўқир эканмиз, фуқароларнинг давлат органлари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиш имконини берган халқчил тизим самаралари, ёшлар, хотин-қизлар, кекса ёшлилар, турли касб ва ҳунарлар эгалари ҳаёти, турмуш даражаси мисолида янгиланиш ва ўзгаришлар билан янада тيرانроқ танишамиз.

Ташқи сиёсий майдонда салмоқли муваффақиятларни қўлга киритган Ўзбекистон мамлакатимиз ичкарасида ҳам турли муҳим соҳаларни қамраб олган янгиланиш жараёнларини йил сайин жадаллаштирмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган ўзгаришларнинг пировард мақсади шундай давлат қуришдан иборатки, унда ҳар бир фуқаро фаровон ҳаёт учун қулай шарт-шароитларга эга бўлсин, турмушига етарли даромад ва ижтимоий

ёрдамдан бахраманд бўла олсин ҳамда фарзандларининг эртанги куни ҳақида ташвиш чекмасин.

Шу билан бирга ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганини, ўз манфаатларининг кафолатини ҳис қилсин. Бунинг амалдаги исботини биз “Инсон - жамият - давлат” деган ёндашувни янги Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдирилганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Китобда халқаро экспертларнинг “Ўзбекистон ўзининг истиқлол йўлидан бораётган экан, келажакка ҳам ишонч билан қараяпти”, деган қатор эътирофларини ўқир эканмиз, юртимиз фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, сармоялар жалб этиш, давлатнинг халқ билан мулоқоти, инфратузилмаларни ривожлантириш каби кўплаб соҳаларда ижобий ислохотларнинг медаларини тотаётганлигига амин бўламиз.

Тўпلامда юртимиздаги жараёнлар кетма-кет, хронологик тарзда кўз олдимизда гавдаланиб боради. Китобни бир сўз билан айтганда, янгиланишлар солномаси дейишимиз мумкин ва ҳар бир юртдошимизга ўқишни тавсия қиламиз.

**Шерзод Мустафакулов,  
Халқаро Нордик университети ректори, профессор**